

**ФОНОГРАММАЛАР ТАЙЁРЛОВЧИЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ
УЛАРНИНГ ФОНОГРАММАЛАРИНИ НОҚОНУНИЙ ТАКРОРЛАНИШИДАН
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ**

(1971 йил 29 октябрь, Женева)

Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-511-сонли «Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммалари ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (Женева, 1971 йил 29 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Қонуни билан ратификация қилинган.

(Ўзбекистон Республикаси учун 2019 йил 25 апрелдан кучга кирган)

Иштирокчи–давлатлар фонограммаларни ноқонуний қайта ишлаб чиқариш тобора кенгайиб бориши ва бунинг натижасида муаллифлар, ижрочи артистлар ва фонограмма ишлаб чиқарувчилар манфаатларига зарар этиши билан ташвишга тушиб; бундай ҳаракатлардан фонограмма ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоялаш айтиб ўтилган фонограммаларга ижро ва асарлари ёзилган ижрочи-артистлар ва муаллифларнинг манфаатларига ҳам жавоб беришига ишониб; ушбу соҳада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан амалга оширган ишларининг юксак қадриятини тан олиб; амалдаги халқаро конвенцияларга ҳеч қандай зарар етказмасликка интилган ҳолда, хусусан, ижрочи артистлар, радиоэшиттириш органлари ва шулар қаторда фонограммалар ишлаб чиқарувчилар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминловчи 1961 йил 26 октябрдаги Рим конвенцияси кенг қабул қилинишига ҳеч қандай тўсқинлик қилмасликка интилган ҳолда қуйидагилар тўғрисида келишдилар;

1-модда

Ушбу Конвенция мақсадлари учун қуйидагиларни тушуниш зарур:

- a) “фонограмма” сифатида фақат товушларнинг ҳар қандай товушли ёзувини;
- b) “фонограмма ишлаб чиқарувчилари” сифатида фонограммада биринчи бўлиб товушларни ёзган жисмоний ёки юридик шахс;
- c) “нусха” сифатида фонограммадан бевосита ёки бавосита ёзиб олинган ва ушбу фонограммага ёзилган товушларнинг барчаси ёки катта қисмидан иборат жисм;
- d) “омма орасида тарқатиш” сифатида нусхалар умуман ёки қисман оммага бевосита ёки бавосита таклиф қилиниш орқали амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракатлар.

2-модда

Ҳар бир иштирокчи-давлат бошқа иштирокчи-давлатлар фуқаролари бўлмиш фонограмма ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ишлаб чиқарувчиларнинг руҳсатисиз фонограмма нусхасини ишлаб чиқаришдан ва бундай нусхаларни олиб киришдан, ушбу айтиб ўтилган ишлаб чиқариш ёки олиб кириш мақсадида омма орасида тарқатиш бўлса, ҳамда ушбу нусхаларни омма орасида тарқатишдан ҳимоялашга мажбур.

3-модда

Ҳар бир иштирок-давлатнинг миллий қонунчилигида ушбу Конвенция қўлланилиши кўзда тутилган ҳуқуқий чораларни аниқлаш ҳуқуқи сақланиб қолади ва улар қуйидаги чораларнинг биттасидан ёки ундан ортиғидан иборат бўлиши мумкин: муаллифлик ҳуқуқини ёки бошқа алоҳида ҳуқуқларни тақдим қилиш орқали ҳимоялаш; инсофсиз рақобатчиликка тааллуқли қонунчилик орқали ҳимоялаш; жиноий санкциялар орқали ҳимоялаш.

4-модда

Ҳар бир иштирок-давлатнинг миллий қонунчилигида тақдим қилинаётган ҳимоянинг амал қилиш муддатини аниқлаш ҳуқуқи сақланиб қолади. Аммо, агар миллий қонунчиликда ҳимоялашнинг аниқ муддати кўзда тутилган бўлса, ушбу муддат фонограмма биринчи бор ёзилган йил тугагандан ёки биринчи бор нашр қилинган йил тугагандан бошлаб йигирма йилдан кам бўлмаслиги керак.

5-модда

Иштирокчи-давлатларнинг бирида миллий қонунчиликка мувофиқ фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланиши шарти сифатида расмиятчиликларни бажариш талаб қилинган ҳолларда омма орасида тарқатилаётган рухсат берилган фонограмма нусхалари ёки уларнинг ўрамада мазкур фонограмма ҳимояланганлиги аниқ кўриниб турадиган р (доирада) кўринишидаги махсус ёзув ва биринчи нашр йили кўрсатилганда ушбу расмиятчиликлар бажарилган ҳисобланади; агар нусхалар ёки уларнинг ўрамада фамилияси, маркаси ёки бошқа тегишли белги кўрсатилган ҳолда фонограмма ишлаб чиқарувчиси, унинг ворисини ёки лицензия эгаси кўрсатилмаган бўлса ёзув ишлаб чиқарувчининг, унинг вориси ёки мутлақ лицензия эгасининг фамилиясидан иборат бўлиши керак.

6-модда

Муаллифлик ҳуқуқи ёки бошқа алоҳида ҳуқуқни тақдим этиш ёки жиноий санкцияларни қўллаш орқали ҳимояни таъминловчи ҳар бир иштирокчи-давлат ўз миллий қонунчилигида адабий ва бадиий асарлар муаллифлари манфаатларини ҳимоя қилишда кўзда тутилган чекловларга ўхшаш чекловларни фонограммалар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоялашда ҳам кўзда тутишлари мумкин. Аммо мажбурий лицензиялар қуйидаги барча шартлар қониқтирилган ҳоллардагина кўзда тутилиши мумкин:

а) такрорлаш фақат ўқитиш ёки илмий тадқиқот мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган ҳолда;

б) лицензия фақат ваколатли органлари лицензия берган иштирокчи-давлат ҳудудида такрорлаш учун амал қилади ва нусхаларни экспорт қилиш учун тааллуқли эмас;

с) лицензияга мувофиқ амалга оширилган такрорлаш ишлаб чиқарилган нусхалар сонини ҳисобга олган ҳолда ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ҳаққоний муқофотни келтириб чиқаради.

7-модда

1) Ушбу Конвенция миллий қонунчилик ёки халқаро конвенциялар билан тақдим қилинган муаллифлар, ижрочи-артистлар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ёки радиоэшиттириш органларининг манфаатларини ҳимоялашни чекловчи ёки зарар етказувчи сифатида ҳеч қачон тушунилиши мумкин эмас.

2) Ҳар бир иштирокчи-давлатнинг миллий қонунчилиги зарур ҳолларда чиқишлари фонограммага ёзилган ижрочи-артистлар манфаатларини ҳимоялаш амал қилиш соҳасини, ҳамда бундай ҳимоядан фойдаланиши мумкин бўлган шартларни аниқлайди.

3) Ҳеч бир иштирокчи-давлат ушбу Конвенция қоидаларини мазкур давлат ҳудудида ушбу Конвенция кучга киришдан олдин ёзилган фонограммаларга нисбатан бажаришга мажбур эмас.

4) Ҳар бир иштирокчи-давлат, миллий қонунчилиги 1971 йилнинг 29 октябригача фонограмма ишлаб чиқарувчиларга уларнинг манфаатларининг ҳимоясини биринчи ёзиш жойи асосида тақдим этганида, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директорида депонентланган билдиришнома орқали ушбу мезонни ишлаб чиқарувчи фуқаролиги мезони ўрнига қўллаши тўғрисида маълум қилиши мумкин.

8-модда

1) Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Халқаро бюроси фонограммаларни ҳиомялашга тегишли маълумотларни жамлаб боради ва нашр қилади. Ҳар бир иштирокчи-давлат ушбу масала бўйича барча янги қонун ва расмий матнлар тўғрисида Халқаро бюрони зудлик билан хабардор қилади.

2) Халқаро бюро ҳар қандай иштирокчи-давлатга унинг илтимосига биноан ушбу Конвенцияга тааллуқли масалалар бўйича маълумотларни тақдим этади ҳамда ушбу Конвенцияда кўзда тутилган ҳимояни амалга оширишни енгиллаштириш мақсадида тадқиқотларни олиб боради ва хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

3) Халқаро бюро юқоридаги 1 ва 2-бандларда баён қилинган функцияларни таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан уларнинг тегишли ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича ҳамкорликда бажаради.

9-модда

1) Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретарида депонентланади. У 1972 йилнинг 30 апрелигача имзолаш учун очиқ қолади, уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсулаштирилган муассасасига ёки Атом энергияси бўйича халқаро агентликка аъзо бўлган давлат ёки Халқаро Суд Статути томони бўлган давлат имзолаши мумкин.

2) Ушбу Конвенция уни имзолаган мамлакатлар томонидан ратификация ёки қабул қилиниши лозим. Унга ушбу модданинг 1-бандида айтиб ўтилган ҳар қандай давлат қўшилиши мумкин.

3) Ратификация, қабул қилиш ёки қўшилиш актлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретарида депонентланади.

4) Шу назарда тугиладики, давлат ушбу Конвенция билан боғланган вақтда у ўз миллий қонунчилигига мувофиқ ушбу Конвенция қоидаларини ҳаётга татбиқ қилишга кодир бўлиши керак.

10-модда

Мазкур Конвенцияга нисбатан ҳеч қандай қўшимча шартларга йўл қўйилмайди.

11-модда

1) Мазкур Конвенция бешинчи ратификация, қабул қилиш ёки қўшилиш акти депонентлангандан кейин уч ой ўтгандан сўнг кучга киради.

2) Бешинчи ратификация, қабул қилиш ёки қўшилиш акти депонентлангандан сўнг ушбу Конвенцияни ратификация, қабул қилувчи ёки қўшилувчи ҳар бир давлат учун ушбу Конвенция 13-модданинг 4-бандига мувофиқ мазкур давлат тегишли актни депонентлагани тўғрисида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори давлатларни хабардор қилганидан уч ойдан сўнг кучга киради.

3) Ҳар бир давлат ратификация, қабул қилиш ёки қўшилиш вақтида ёки ундан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Котибига билдиришнома жўнатган ҳолда ушбу Конвенция у халқаро муносабатларини таъминловчи барча ҳудудларга ёки ҳудудларнинг бирон биттасида қўлланиши мумкинлиги тўғрисида хабар қилиши мумкин. Ушбу билдиришнома у қабул қилинган санадан эътиборан уч ойдан сўнг кучга киради.

4) Лекин юқоридаги банд ҳар қандай иштирокчи-давлат томонидан ушбу Конвенция айтиб ўтилган бандга мувофиқ бошқа иштирокчи-давлат томонидан қўлланадиган ҳар қандай ҳудуддаги ҳақиқатдаги ҳолатни ҳеч қачон сўзсиз тан олиш ёки қабул қилиш деб изоҳланиши мумкин эмас.

12-модда

1) Ҳар бир иштирокчи-давлат ушбу Конвенцияни ўз номидан ёки 11-модда 3-бандда белгилаб ўтилган ҳудудларнинг бири ёки барчаси номидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Котибига ёзма билдиришнома жўнатиб денонсация қилиш ҳуқуқига эга.

2) Денонсация юқоридаги бандда айтиб ўтилган билдиришномани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Котиби қабул қилган санадан эътиборан ўн икки ойдан сўнг кучга киради.

13-модда

1) Мазкур Конвенция 1 нусхада инглиз, испан, рус ва француз тилларида имзоланади ва ушбу барча тўртта матн тенг кучга эга.

2) Араб, голланд, итальян, немис ва португал тилларидаги расмий таржималари Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Бош директори томонидан манфаатдор ҳуқуматлар билан маслаҳатлашгандан сўнг таъминланади.

3) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Котиби Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош директори ва Меҳнат бўйича Халқаро бюро Бош директорини қуйидагилар тўғрисидаги хабардор қилади:

- a) ушбу Конвенцияни имзолаган давлатлар тўғрисида;
- b) ратификация, қабул қилиш ёки қўшилиш актларини депонентлаш тўғрисида;
- c) ушбу Конвенция кучга кириш санаси тўғрисида;
- d) 11-модда 3-бандига мувофиқ жўнатилган билдиришномалар ҳақидаги

аризалар тўғрисида;

e) денонсация қилиш ҳақидаги билдиришномалар қабул қилинганлиги тўғрисида.

4) Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори 9-модда 1-бандда белгиланган давлатларни юқоридаги банд қўлланиши натижасида қабул қилинган барча билдиришномалар ҳамда ушбу Конвенциянинг 7-модда 4-бандига мувофиқ қилинган баёноتلар тўғрисида хабардор қилади. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош директори ва Меҳнат бўйича Халқаро бюро Бош директорининг айтиб ўтилган баёнотлари тўғрисида ҳам хабардор қилади.

5) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Котиби 9-модда 1-бандида айтиб ўтилган барча давлатларга ушбу Конвенциянинг тегишли тарзда тасдиқланган иккита нусхасини жўнатади.